

Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан
2024 йилнинг 6 оyi мобайнида жисмоний ва юридик шахсларнинг
муурожаатлари билан ишлаш ҳолати тўғрисида

А Х Б О Р О Т

Муҳтарам Президентимиз томонидан 2024 йилни “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан, халқ билан мулоқот ва аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ амалий ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Жойларда аҳоли билан юзма-юз ва очик мулоқот ўтказиш, улар томонидан кўтарилаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар ҳафтада вилоят ҳокими томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилоятидаги Халқ қабулхонасида, шаҳар ва туманлар ҳудудида ҳамда вилоят ҳокимлигида мунтазам шахсий қабуллар, шунингдек ёшлар ҳамда тадбиркорлар учун алоҳида қабуллар ўтказилиб келинмоқда.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг “Telegramm”, “Веб-сайт” ва “Facebook”даги расмий саҳифалари орқали туну-кун муурожаатлар қабул қилиниб, ижрога қаратилиб, назоратга олинмоқда. Ёшларни қийнаб келаётган муаммоли масалалар ва таклифларини ўз вақтида кўриб чиқиш самарадорлигини ошириш мақсадида, вилоят ҳокимининг ташаббуси билан вилоят ҳокимлигининг “Ёшлар муурожаати” веб-сайти ва Call-center орқали муурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тизими жорий этилган.

Мунтазам равишда 4 та сектор раҳбарлари иштирокида жойларда аҳоли ва тадбиркорлар учун сайёр қабуллар ўтказилмоқда.

Вилоят ҳокимлигига 2024 йил 6 оyi давомида жисмоний ва юридик шахслардан **жами 2 589 та** муурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан **1 602 та (ёки 62%)** оғзаки, **581 та (ёки 22%)** ёзма ва **406 та (ёки 16%)** виртуал муурожаатлар келиб тушган бўлиб, **2023 йилнинг мос даврида** бу кўрсаткич **4 115 тани** ташкил этгани ҳолда **1 526 та (ёки 37%)га** камайган.

2024 йилнинг 6 оyi давомида **вилоят ҳокимлигида** раҳбарлар томонидан **жами 1 602 нафар** жисмоний ва юридик шахслар қабул қилинган бўлиб, **2023 йилнинг худди шу даврида** бу кўрсаткич **2 046 нафарни** ташкил этган бўлиб, қабулга келувчилар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **444 нафарга (ёки 22%)га** камайган.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 6 ойи мобайнида вилоят ҳокимлигига фуқаролардан тўғридан-тўғри жами **581 та** ёзма мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ўтган **2023 йилнинг мос даврида** ушбу кўрсаткич **1 441 тани** ташкил этган ҳолда мурожаатл этувчилар сони **860 тага (ёки 60%)га камайган.**

Шунингдек, жорий йилнинг 6 ойи мобайнида вилоят ҳокимлигига Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали жами **406 та** мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ўтган **2023 йилнинг мос даврида** ушбу кўрсаткич **628 тани** ташкил этган ҳолда мурожаатл этувчилар сони **222 тага (ёки 351%)га камайган.**

Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири туришини инобатга олган ҳолда мурожаатларни бевосита муаллиф иштирокида ўрганиш, кўтарилган масалани ҳал этиш ёки қонунчиликда белгиланган нормалар бўйича тушунтириш бериш амалиётига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Энг кўп мурожаатлар **Наманган шаҳрида 521 та (20%), Давлатобод туманида 255 та (10%), Уйчи туманида 252 та (10%) ва Янги Наманган туманида 147 та (6%)** ҳиссасига тўғри келади.

Вилоят ҳокимлигига келиб тушаётган мурожаатларни масалалар кесимида таҳлил этилганда, асосий мавзулар Уй-жой ва ер майдони олиш **711 та (ёки 31%),** Моддий ёрдам ажратиш **324 та (ёки 14%),** Соғлиқни сақлаш масалалари **141 та (6%),** Дин масалалари **135 та (ёки 6%)** ва иш, иш ҳақи ва имтиёз масалаларида **133 та (ёки 6%)**ни ташкил этади.

Шаҳар ва туманлар ҳокимликларига келиб тушаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича

2024 йил 6 ойи давомида **шаҳар ва туманлар ҳокимликларига** жисмоний ва юридик шахслардан жами **12 989 та** мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан **4 958 та (ёки 38%) оғзаки,** **4 888 та (ёки 37%) виртуал** ва **3 143 та (ёки 25%) ёзма** мурожаатлар келиб тушган бўлиб, **2023 йилнинг мос даврида** бу кўрсаткич **15 310 тани** ташкил этгани ҳолда **2 321 та (ёки 15%)га камайган.**

2024 йилнинг 6 ойи давомида **шаҳар ва туманлар ҳокимликларида** раҳбарлар томонидан **4 958 нафар** жисмоний ва юридик шахслар қабул қилинган бўлиб, ўтган **2023 йил январь ойида** бу кўрсаткич **5 496 нафарни** ташкил этган бўлиб, қабулга келувчилар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **538 тага (ёки 10%)га камайган.**

Бундан ташқари, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида **шаҳар ва туманлар ҳокимликларига** фуқаролардан тўғридан-тўғри жами **3 143** та ёзма мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ўтган **2023** йилнинг мос даврида ушбу кўрсаткич **3 770** тани ташкил этган ҳолда мурожаат этувчилар сони **627** тага (ёки **17%**)га камайган.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида **шаҳар ва туманлар ҳокимликларига** фуқаролардан Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали жами **4 888** та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ўтган **2023** йилнинг мос даврида ушбу кўрсаткич **6 044** тани ташкил этган ҳолда мурожаат этувчилар сони **1 156** тага (ёки **19%**)га камайган.

Энг кўп мурожаатлар **Наманган шаҳрида 1 857 та (12%)**, **Косонсой туманида 1 113 та (7%)**, **Янгиқўрғон туманида 1 097 та (7%)** ва **Поп туманида 1 055 та (6%)** ҳиссасига тўғри келади.

Шаҳар ва туманлар ҳокимликларига келиб тушаётган мурожаатларни масалалар кесимида таҳлил этилганда, асосий мавзулар моддий ёрдам олиш масалаларида **1 371 та (ёки 11%)**, уй-жой ва ер майдонлари олиш масалаларида **887 та (ёки 7%)**, соғлиқни сақлаш масалаларида **564 та (ёки 4%)**, уй-жойларини таъмирлаш масалаларида **433 та (ёки 3%)** ва оила масалаларида **403 та (ёки 3%)** ва ни ташкил этади.

Мурожаатларни қаноатлантириш даражаси кўрсаткичлари паст бўлган ҳокимлик – Янгиқўрғон туман ҳокимлиги 51 % қайд этилди.